

ОБУНА - 95

ОБУНА - 95

ОБУНА - 95

ГАЗЕТАМУЗ ~

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсминаларининг газетаси

№29
(65821)
1 ноябрь,
1994 йил
СЕШАНБА
Сотувда эркин
пархад.

Болалар ва Ўсминалар Уюшмасида ОТА-ОНАЛАР

ТАШВИШЛАНИШМАСИН

Болалар ҳаётимиз меваси. Уларнинг одоби, ҳулқи қанчалик гўзал бўлса тўрмушдаги баъзи ташвиш ва қийинчиликлар хам унчалик сезилмай кетади. Чунки кунларимизнинг барча воқеа-ходисаси улар билан боғлиқ. Далага ёки иш жойига отланган ота-она доимо фарзандлари, уларнинг тинч — омон ўтиришлари ҳакида ташвишланишиди. Бундай ташвишларнинг олдини олиш кўпроқ болалар ташкилотларий ходимларига боғлиқ. Ёшларнинг бўш вақтларини тўгри ташкил килиш, уларни фойдали ишларга йўналтира бориш мактаблардаги, туман ва вилоят Болалар ва Ўсминалар уюшмаси ходимларининг иш фаолиятига жуда боғлиқдир. Мактабимиз қошида ташкил этилган болалар ва Ўсминалар уюшмаси аъзолари ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўкув йили бошиданоқ йиллик, ойлик ва ҳафталик иш режаларини ишлаб чиқишиган. Уларда "Кўгиричоқ театри", "Ёш тиббиётчилар", "Ёш боғонлар", "Китобсеварлар" гуруҳлари ўтказадиган тадбирлар белгиланган. Уюшмамиз аъзолари Асосий иш йўналишларининг "Она юрт", "Саломатлик", "Мехнат" каби йўналишлари бўйича фаолият олиб

(Давоми 2-бетда)

КЎМАКЧИЛАР

Кенгликларга туташ пахтазорга оқшом чўкди. Кун бўйи этак-этак пахта териб, ҳоримаган болалар гурунглашиб ўйларига қайтишяпти:

— Наргиза, бугун қанча пахта тердинг? — сўради дугонасидан Наргиза.

— 40 килограмм. Ўзинг-чи?

— Мен сендан иккى килограмм кам теримбман. Бугун голиблик сенда кетибди. Мана кўрасан, зартага албатта сендан кўп тераман...

Исмдош бўлган бу иккى дугона Наргиза Ортикова ва Наргиза Бегимовалар Қорақалпогистон Республикаси, Амударё туманинаги Навоний номидаги мактабининг 8-синфида ўқишиди. Фанлардан ўзлаштиришлари доимо аъло. Дехқон фарзандлари эмасми,

дарсдан бўшашибди дегунча, далага ошикишади. "Кипчоқ" жамоа хўжалиги далаларидаги ўзаро мусобақалашиб пахта теришяпти. Қизларнинг синфдошлари Дилфузा Кенжабоева, Сафарбой Болтабоев, Жасур Хасановлар ҳам бўш келишайтганий ўйқ. Кунинга 45-50 килограммдан пахта териб, ота-оналарига кўл-қанот бўлишияти.

Ўқишида ҳам, меҳнатда ҳам илғор бу теримчи ўғил-қизлар ишлаб топган пулларнинг бир қисмини ота-оналарига беришса, қолган қисмiga севимли газеталари "Тонг юлдузи" га 1995 йил учун обуна бўлишига аҳд килишиди.

Х. ОТАМУРОДОВ,
Қорақалпогистон республикаси.

ОБУНА - 95

Қадрли болалар! Республикамизда газета ва журналларга 1995 йил учун обуна бўлиш давом этмоқда. "Тонг юлдузи" газетаси эса уларнинг орасида ягона ҳисобланган болалар газетасидир. Шу сабаб сиз, азиз ўқувчиларни ўзингизнинг севимли газетангизга обуна бўлишга даъват этамиш.

Эслатиб ўтамиш: "Тонг юлдузи" газетасининг 1995 йил учун обуна баҳоси:

бир йилга — 54 сўм.
олти ойга — 27 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 64563

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот Уюшмаси»
"ТОНГ ЮЛДУЗИ" 64563
(нашр иоми) (нашр кўрсаткичи)

Рўзномасига ОБУНА



обуна сони

1995 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (маканил)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Рўзномани ЕТИАЗИШ ВАРАҶЧАСИ

64563

п.в.	жойи
------	------

(нашр кўрсаткичи)

"ТОНГ ЮЛДУЗИ"

(нашр иоми)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
ялиги ман-			сони
вилга			
юбориш			
баҳоси			
сўм			

1995 йил учун

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (маканил)

Кимга

(насаби: исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

64563



(Давоми. Баштаниши 1-бетда)

Ота - оналар ташвишланишмасин

гурхы олиб бораётган ишлар ҳам мақтогва лойик. Улар ўтган йили республика миқёсида ўтказилган "Санпост-94" күркәтнөвіда учичи ўринни эталаша мұваффак бўлдилар. Юшмамизнинг "Дўстлик клуби" аъзолари ҳам ўз олдиларига аниқ мақсад кўйишган: барча мамлакатлардаги тенгдошлари билан дўстлик алоқаларини тиклаб, уни доимо мустаҳкамлаб боришидир. Хуллас, болалар дарсдан бўш, ўй ишларидан вақт ортиришган маҳалларда ўюшманинг фойдали ишлари билан бандлар. Бу эса биз катталарни оз бўлсада ташвишдан ҳоли этмоқда.

Биринчи чорак якуни атрофига Тошкентдаги Ёшлар илмгоҳида республика миқёсига турли вилоятларидан Болалар ва ўсмирилар ўюшмаси етакчилари бўлиб хизмат қилаётганларнинг ўқиши ташкил этилди. Мен кўпгина етакчилар қаторида ана шу илмгоҳда таҳсил олдим. Республика Болалар ва ўсмирилар ўюшмаси раиси Сабоҳат опа Шукурова бошчилигида болалар харакатини янада фойдали ишлар билан ривожлантириш, ташкилот ишини яхшилаш хусусида кўп фикр юритдик. Ўзаро тажрибалар алмашдик. Мен ушбу ўқиши давомида ўз ўюшмамиз учун янада кўп янги фикрлар ва фойдали тадбирлар ҳақида маълумотлар олдим. Уларни албатта ўюшмамиз фаолиятига жорий этишга аҳд қилдим.

**Чори ПИРМАТОВ,
Қашқадаре вилояти,
Дехқонобод тумани, Г. Юсупов
номидаги мактабнинг Болалар
бош етакчиси.**

Умр! Инсонга табиат ато этган энг олий неъматдир. Умрнинг ўлчови, мезони, чегараси ўқ. Кимдир боқий яшайди, яна кимдир жуда қисқа умр кўради. Лекин ана шу қисқа ҳаётি давомида ҳалқим деб ёниб яшайди, унинг сиймоси неча-нечада миңнатдор авлодлар қалбидан барҳаёт бўлиб қолаверади. Ҳидоят ака Иноятов ҳам ана шундай ҳалқимизнинг асл фарзандларидан бири эди. Бу ном кўпчиликка таниш эмас. Бундай бўлиши

йигитларининг ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини, спорт машқларига ҳамда ҳарбий хизматга бирдек яроқли эканликларини, қолаверса, миллӣ гурур ҳиссининг барча нарсадан устунлигини исботлаб қайтди-ку, ахир!

Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади, деганларидек, ўша йилларда ҳаёт ҳам, ноҳақ ҳам қатағоннинг қурбонларига айландилар. Ҳидоят ака ҳам ҳеч бир асоссиз, 1937 йилда Файзула

замондошларимизнинг аянчли кечмишларини ёдга олиш, номларини агадийлаштириш — биз авлодлардан



АЙНИ НАВҚИРОН ЧОҒДА...

табиий ҳолдир. Чунки, Ҳидоят ака туманли қатағон йилларининг ноҳақ қурбонларидан. "Ноҳақ қурбони" дедик. Бу воқеанинг тарихи жуда узок, 1935 йилларга бориб тақалади...

Ҳидоят ака Иноятов уни таниган билгилар, ҳамда қизи Ҳуррият опа Отажонованинг хотирлашларига қараганди, ўта самимий, қувноқ, ҳазил-мутойибани хуш кўрадиган одам бўлган экан. Шу билан бирга ўзига ҳам, шогирдларига нисбатан ҳам ўта талабчан, ҳақиқаттўй инсон бўлган экан. Ўша йилларда ўзбек йигитларни жуда нимжон, чиниқмаган бўлганларни учун уларнинг гарданига "мунтазам спорт машқларига чидамсиз, ҳарбий хизматга ҳам яроқсизлар", деган тавқи лаънат осилган эди. Бу ноҳақлик ва хўрликка чидай олмаган Ҳидоят ака ўзи қатори 5 нафар чандаст йигитларни жамлаб, 1935 йилда олис сафарга отланади. Машақатли Тошкент — Помир — Қорақум — Москва велопойгасини ўюштиради. Помир тоғлари, Туркманистон сахролари, Россиянинг қалин ўрмонзорлари оша ўта машақатли йўлни босиб ўтиб, қийинчиликларни мардонавор енгиги Москвага етиб келишади. Ўзбек ҳалқининг асл ўғлонларини Ворошилов қарши олади. Ҳидоят ака она юртига қаддини роз тутиб, кўкси тўла фахр, ифтихор билан қайтиб келади. Севинмай бўладими ахир, ушбу сафари билан ўзбек

Хўжаевнинг сафдошлари сифатида ўлимга маҳкум этилди...

Ўшанда Ҳидоят ака бор-йўғи 25 баҳорни қаршилаган, айни навқирон чоғда эди. Ўзбек ҳалқининг миллӣ гурури, мустаҳкам иродаси, мақсад сари собитқадамлигини исботлаш йўлидаги бошлаган эзгу ишлари поёнига етмай, ҳазон бўлди. Мехнатлари эвазига "Ҳалқ душмани" деган "унвон" билан "тақдирланди".

Ҳидоят аканинг аянчли кечмиши билан танишар эканмиз, "ҳақиқат эгилади, бу-килади, синмайди" деган мақолнинг нечоғлик тўғрилигига яна бир бор амин бўлдик. Ҳидоят аканинг қизи Ҳуррият опа Отажонованинг ҳақ йўлидаги кўп йиллик изланишлари ўз самарасини берди, ҳақиқат қарор топди. 1958 йилда Ҳидоят ака Иноятов ҳеч қандай айбиз, деб топилиб, табаррук номи оқланди...

Ўз қадрини жуда кечикиб топган



қарз. Яқинда республикамиз Жисмоний тарбия ва спорт даълат қўмитаси спорт ҳаракати билан биргаликда ажойиб бир тадбир ўтказишиди. Пойтахтимиздаги Шайхонтохур туманинг 18-сонли болалар ва ўсмиirlар спорт мактабига Ҳидоят Иноятовининг номи берилди. Шу муносабат билан спорт мактабида қиличбозлик бўйича очиқ мусобақа уюштирилди. Бишкек, Олмата, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидан келган умидли спортчилар ўзаро куч синацдилар. Спорт мактабининг ёш таэквандочилари ўз чиқишилари билан қатнашдилар. Спорт байрамининг иштирокчилари Ҳидоят ака Иноятов ва унинг дўстлари ҳаётига оид кўргазма ва стендларни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар, Ҳуррият опанинг отаси ҳақидаги ҳаяжонли хотираларини берилаб тингладилар.

Байрам якунланди. Ўксик қалблар таскин топгандек бўлди. Спорт мактаби ўқувчиларининг диллари фахр ва ифтихор туйгулари билан лиммо-лим тўлди. Ўзбек спорти шарафини оламга таратган ана шундай фидойи инсоннинг шарафли номи, ҳар бир ўғил-қизни она Ватанга меҳрли бўлишига даъват этиб туриши шубҳасиз.

Ферӯза ЖАЛИЛОВА.

СУРАТЛАРДА: Ҳидоят ака Иноятов хотирасига бағишлаб ўтказилган спорт байрамидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАРИ

Обуна варақасини бехато тўлғазишига ҳаракат қилинг!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция бўрилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ҮРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручка-ларда, ҳатосиз, сўзларни қисқартирасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

Ўқувчиларни таътил кунларидан кўпроқ ҳиёбонларда, кинотеатрларда учратиш мумкин. Ҳозирги кунда турли видеосалонларда фильмлар томоша қилиш русмга айланган. Қаерда қандай видеосалонлар борлигини ва қандай фильмлар намойиш этилишини яхши билишади. Ваҳоланки, Ўзбекистонда қандай музейлар бор, деб сўрагудек бўлсангиз, қўпчилик болалар жавоб топа олмай, ўланиб қолишлари тайин, Чунки, болалар кейинги пайтларда музейларга жуда кам борадиган бўлиб қолишяпти. Бу ачинарли ҳол албатта. Зоро, айнан ана шу музейларимиз ҳаётимизнинг

қай жиҳатлари билан фарқланиши билан қизиқдик:

— Ўзбекистон тарихи музейимиз, — дея ҳикоя қиласи музей директори Қутлугжон ака Иноятов, — ўз номи билан республикамизнинг тарихини, бир неча асрлар аввалги ҳаётига доир, яни ибтидоий жамоа тузумидан тортиб то ҳозирги кунимизгача бўлган даврдаги воқеаларни ўрганиди. Биз шу пайтгача фарзандларимизга Амир Темур босқини, қонхўр, хонлар ва беклар босмачилардир, дея таълим берил келдик. Бу нарсалар табиийки, Ўзбекистон халқлари музейимизда ҳам ўз аксини топган эди. Эндиликада ўзлигимизнинг

МУЗЕЙЛАР ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

кўзгусидир. Музейларга кирсангиз узоқ ўтмишимиз кўз ўнгингизда жонланиб, тарих тилга киргандек бўлади. Ўзингиз учун янги бир олам кашф этандек бўласиз. Ҳозирги фаронов турмушимизга ўзгача бир нигоҳ билан боқасиз. Ўзбекистон тарихи музей ҳам шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил, 21 апрелдаги қарорига биноан шаҳримизнинг Амир Темур ҳиёбонида жойлашган "Ўзбекистон халқлари музейи" ҳамда В. И. Ленин номидаги музей ишлари тутатилиб, аввалги Ленин музейи биносида ягона "Ўзбекистон тарихи музейи" ташкил этишига қарор қилинди. Янги музейнинг вазифалари нималардан иборатлиги, аввалги музейлардан

англаб, қадрияларимиз қайта тикланаётган, ҳақиқий тарихимиз ю очаётган бир даврда биз ҳам янги-янги тарихий ҳужжатлар топиб, музейимизни ноёб экспонат ва маълумотлар билан бойитиб бормоқдамиз. Ўйлашимча, музейимизга нафақат болалар, балки катталар ҳам тез-тез келиб турисча, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳа, дарҳақиқат, кексаларимиз айтганларидек, "ўз қадрини билмаган одам, ўзганинг ҳам қадрига етмайди". Биз ҳам ўз қадрияларимизни, ўтмишимизнинг асл қиёфасини билишимиз керак. Бунинг учун эса ҳаётимиз кўзгуси бўлмиш музейларимиз тез-тез зиёрат қилмогимиз лозим.

Феруза АСОМОВА.

Биринчи күнғирөк овози жаранглаб, синфоналар ўқувчилар билан тұлғаныға ҳам мана иккі ой вакт үтди — биринчи чорак якунланған. Яна бир-иккі күндан кейин ўқувчилар биринчи чорак таътилиға шақадылар. Хүш, чорак якуни ҳақида халқ таълими ходимларининг фикри қандай? Қилинган ишлардан уларнинг күнгиллари түқми? Нималарга әзтибор кам бўлди? Биз ана шу саволлар билан Наманган вилояти, Янгиқўргон тумани халқ таълими бўлими жудири Ҳасанбай ака ЖАМОЛОВга мурожаат қилдик.

— Халқ таълими соҳасидаги бугун-ки кунда қилинаётган барча ишлар дилни қувонтиради. Чунки амалга оширилаётган ишларнинг барчаси ёш авлоднинг тўла ва кучли билим олишига қаратилган.

Туманимиз мактаблари янги ўқув йилини яхши таъмирланган мактаб биноларида бошлаши. Туман ҳокимиията раҳбарлигидаги 56 та мактаб 30 майга қадар таъмирлаш ишларини туталлаши. Бу ишда ота-оналар, ўқитувчилар ҳам четда туришади.

Хурсандлик устига хурсандчилек. Фақатина ўқитиш системасигагина эмас, балки ўқитувчиларга ҳам алоҳида әзтибор берила бошланди. Президентимизнинг Фармони билан ўқитувчиларга қатор имтиёзлар берилди. Ўқитувчиларнинг ортиқча даромади йўқ. Шу сабаб ҳам уларнинг талайгинаси бошқа — даромадли соҳаларга ўтиб кетиши. Кейинги йилларда уларга берилган имтиёзлар ўқитувчиларнинг ўз касбига нисбатан жiddий әзтибор беришларини талаб эта бошлади.

Бугунги кунда ўқитиш борасида аввали йиллардан жiddий фарқ бор. Болаларга иложи борича кўргазмали куроллар, техника воситалари,

куйишни ҳам ўрганиб боришяпти. 14-мактабда косибчилик цехи, 10-мактабда лимонзор ташкил қилинган. Деяри барча мактабларнинг ўз теракзорлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирига камида 50 мингга якин терак туплари экилган. Янги ўқув йили бошида 25-мактаб теракзоридан катта туплари кесилиб, сотилди. Ундан тушган маблағ мактабнинг кам таъминланган оила болаларига тақсилаб берилди.

Аммо ҳалигача киши дилини ранжитадиган ишлар ҳам бор. Ўқувчилар мактабга хоҳлаган кийимларида

келишдан тап тортмай қолдилар. Кимдир қимматбаҳо кийим кийган, кимдир унга ҳавас қилган. Биз бу йилдан бошлаб миллий мактаб формасига ўтишга эришмоқчимиз. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: тижорат дўконидан олинган битта кўйлакнинг пулига иккى ёки учта мактаб формасини олиш мумкин. Бу ота-оналар учун ҳам қулай, ўқувчи эстетикасига ҳам мос.

Хуллас, ўқув йилини яхши орзу — ниятлар билан бошладик. Миллий қадриятларимизни ёшларимиз дилига сингдирган ҳолда, кучли билим беришга интилиш бугун фарзандларимизни ўқитаётган ҳар бир ўқитувчининг олий мақсади. Бу мақсади амалга ошириш учун ҳар биримиз кучимиз етгунча ҳаракат қилмоқдамиз. Етук ва билимли, соглом ва баркамол ёшларни вояга етказишдек олий ният билан ўқув йилини якунлаш — ниятимиз.

В. ТУРДИБОЕВА ёзиб олди.

ОЛИЙ МАҚСАД САРИ

яхши ўзлаштирилишига имкон яратапти. Дарслерлар ва ўқув куроллари борасида ҳам камчиларимиз йўқ.

Ўрта таълим системасига киритилган янгиликларни ўқувчилар тезда ўзлаштириб олишапти. Иккى ўқув йили давомида ўтказилган тест синовлари нафақат ўқитувчиларни, балки ўқувчиларнинг ўзларига ҳам маъқул келди. Тест синовлари ўқувчи билимини баҳолашда энг адолатли усул. Шу сабаб ҳам биз ўқувчиларни тест синовларига бошлангич синфлардан тайёрлашга киришдик.

Болаларнинг билим олишларидан ташқари бўш вактларини ташкил қилиш ҳам кўп жиҳатдан мактабга боғлиқ. Уларнинг дарсдан ташқари вактлари беҳуда ўтмаслиги учун турли ҳунар дарсларини ташкил қилдик. З-мактабда гишт тайёрлаш цехи ташкил этилган. Юқори синфнинг ўтил болалари бу ерда меҳнат қилиш билан бирга гишт

— ниятимиз.

В. ТУРДИБОЕВА ёзиб олди.

Агар сен учун
Гар керак бўлса
Фидо бўлсин жон.
Отабек ҚОДИРЖОН ўғли,
Андижон вилояти,
6-гимназиянинг
6-синф ўқувчиси.

"КИЗ БОЛА"

Кетаётсам бир тўйга
Йикилиб тушдим лойга
Оёқ-кўлим хўл бўлди
Болалар-чи хўб кулди.

Сўнг борардим уйимга
Онам урди кўлимга.
Бирдан йиглаб юбордим
"Киз бола" деб ном олдим.

КЎМАКЧИ

Онам сўзи мулоийм
Ҳаммага ёқар доим.
Тинмайдилар ҳар куни
Алласиз ўтмас туни.

Ердам бераман мен ҳам
Дуо киларлар ҳар дам
Демант мени ёлғончи
Онам дерлар: "Кўмакчи".

Онам баъзан эркалар
"Үглим"-деб сўйиб куяр
— Яхши ўки, — дер менга,—
Хизмат қилгин Батанг.

Фазлиддин ТЎРАБОЕВ,
Наманган вилояти,
Янгиқўргон
туманидаги 1-мактаб
ўқувчиси.

Унинг юзлари қизарип кетганди, қулоғига эса қандайдир ёқимли бир кўй эшитипар, шу кўй оғушида у сармаст ухларди.

Анвар қанча ётганини билмади, лабига тушган иссиқ, шўртанг томчидан сесканиб, кўзларини ярим очди.

— Анваржон, ўглим.

Анвар товуш келган томонга қаради. Тепасида хушрўйига аёл йигламсираб турарди. У қаерда билмай ҳар томонга аллангиди. Оппоқ хона. Ҳамма нарса оппоқ. Демак, касалхона. Анвар қаеридарид оғриқ сезди. Энди турмоқчи бўлган эди, оғриқка чидолмай инграб юборди.

Юзлари, кўллари ачиша бошлади. Айниқса, ўнг қўлида оғриқ, кучли эди. У яна аёгла тикилди. Боя ўтибор бермаган

экан, кечаси ухламагани ёки кўп йиглаганими, ишқилиб кўзларини шиншиб кетган. "Бу аёл ким экан? Нимага бу ерда турибди ёки ҳамширами?" дега ўйлади. Анвар яна оғриқка чидай олмай ингради. Аёл шошилиб келиб Анварга сув тутди. Дераза томонга охиста кўз ўюргириди. Анварнинг қулоғига "Бол-а-ам", деган чинкириқ узоқлардан акс-садо берди. У кўзларини юмб кечаги воқеаларни эслай бошлади.

Кечак чоршанба эди. Чоршанба куни "бозор" жуда қизинди. Шунинг учун шу куни кишлодагилар "чоршанби бозор" дейншади. Шу куни Анварнинг мактабга боргиси келмади. Тўғриси, мактабдан кўнгли совуган, нима учунди ўртоқларни билан яхши келиша олмайди. Ҳамма Анварни четта чиқариб қўяди. Ёшлигида бўнақа эмасди. 10-синфга ўтди, ҳеч ким билан чиқиша олмай қолди. Ўқитувчиларнинг дашномлари уни "жонидан тўйдирган" эди. Унга ўртоқларидан бирортаси ҳам сирдош эмас. Унинг фақатини шу дунёда бирдан бир суюнчиғи бувиси эди. У бувисини жудаям яхши кўради. Анварни ёшлигидан катта қилган, тарбиялаган ҳам шу бувиси. Бувисининг айтишича, Анвар б ойлик чакалоқлигига ойиси қанақадир

касаллик туфайли вафот қилган. Дадаси эса, шаҳардаги бир аёлга ўйланиб, ўша ерда қолиб кетган.

Ҳозир унинг Анвардан бошча 3 та фарзанди бор эмиш. Хулласи-калом Анварнинг ойиси ҳам, дадаси ҳам — шу бувиси. Бувиси қанча кунлардан бери касал ётибди. Анварнинг мактабга бормаслигини билиб, бувиси унга "бозордан қулупнай олиб кел" деб ҳор нафақа пулини берди. Анвар бозорга борганида офтоб тушив кун исеб қолганди. У бозорни айланиб, кулупнай сатаётган одамлар томон энди қадам қўйган эди, бир аёл

Бўрч

Ҳикоя

Бақириб келиб унинг ёқасига ёпиши:

— Пулимни бер, ўғри!

Бу шанғилаган товушдан Анвар баттар довдираб қолди:

— Қанақа пул, мен сизни ҳозир кўриб турибман.

Аён унинг қўлига баттар ёпишил олди, дод сола бошлади:

— Одамлар, эшитапсизларни бу нинг гапини, етим боламнинг уволи тутсин сени, сени тарбиялаган онангинг илойм ғемонликдан боши чиқмаси. Пулимни қайтариб бер, безори. Сенга ўғирлини кўрсатиб қўяман, — аёл ҳамон жавар, Анвар эса қотиб қолганди. Бир зумда бу ерга тумонат одам тўпланди.

— Каттакон бола шу ишни қилса ярашмайди, — деди одамлардан бири. Ҳар ердан одамларнинг аччиқ-аччиқ кинояли сўзлари эшитипар турарди. Анвар бу ҳақоратли сўзларга чидай олмай чўнтағидаги бор пулни чиқариб аёлнинг юзига отди:

— Олинг, сиз тўйинг, — Анвар шундай деганича бозордан чиқиб кетди. У қаерга боринини билмай, кўчада узоқ тентиради. Уйга бораи, деса бувисига нима дейди. Ахир ўнга ўзидан олдин "туҳмат" кириб борадигу. Шу куни Анварнинг кўзига дунё коронгу бўлиб қўрнинди. Фақат бу

коронгу дунёда, уни биргина бувиси чарогон нур бўлиб ўзига чорларди. Шу куни у 4 йилдан бери бормаган қабристонга борди. У ерда онасишининг қабрини тозалаб, тўйиб-тўйиб йиглади. Қоронгу тушганда қабристондан чиқиб ўйга томон йўл олди. Қўши маҳалладан ўтиб кетаётганида узоқроқдан, бир хонадондан қандайдир ёнгин кўтирилар, тутун бурқиср, одамларнинг қий-чуви эшитипар эди.

Анвар етиб борганида эрқаклар чеплак-чеплак сув сепишар, ёнгин эса ўчмас эди. Ўт ўчируви машинадан эса ном-нишон йўқ. У қий-чув ичда ҳеч кимни таний олмади.

Фақатина хотинларнинг қўлида ўзини ёнгин томонга отаётган аёлнингина таниди. Бу дунёдан беҳиздран, инсонларга қарши нафрат ўйғотган, тұхмат қилиб чүнтагидаги бор пулини тортиб олган аёл эди. У "бол-а-ам" лаб йиглар, ўзини ҳар томонга отар эди.

Анварнинг қалбida аёлга бўлган нафратнинг ўрнини меҳрга ўхшаш илик бир нарса эгаллаб олди. Аёл яна ўзини ёнгин томонга отди:

— Болам, уйда болам бор. Лекин аёллар уни қўйиб юборишиади. Анварнинг мислига бу чинкириқ тўқмоқ бўлиб урнлди. Унинг танасига қандайдир бир куч йигилиб, бирдан қўлидаги чепа сувни устидан қўйиб, ўзини ёнгин ичига урди. Анвар хонага кирганида хонадондан бурқисб тутун чиқар, ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Хонанинг бурчагинда чинкириқ тўғлағтаган товушданғина болани топиб олди. Болани даст кўтарди-ю, ташқарига йўналди. Унинг юз-кўзига иссиқ олов урилиб, кўйдириб ўтди. Анвар ёнгиндан чинкиши билан бдамлар уни устига сув сепишюриши. У болани онасишининг олдига кўйди-ю, боши айланниб ерга йиклди. У ёгинни билмайди. Мана энди ҳаммасини тушуниб олди. Анвар кўзини охиста очди. Тепасида ўша аёл. Ёнда эса бувижониси кулинишиб турибди. Унинг танасини қандайдир лаззат чулғаб олганди.

Нодира СОДИКОВА.

Бош мұхаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ

Т

Ю

Таҳрир хайъати:
Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилядора
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.

Таъсис этувчилар:

ЎЗБЕКИСТОН ЬШЛAR ИТИФОҚИ МАРКАЗИЙ

ҚўМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛИҚ

ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учкуни"

номи билан чиқа бошлаган

Газета хафтанинг сешанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-44-25

Бизнинг манзилгоҳ:

700083, ТОШКЕНТ ШАХРИ,

МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-й.

Н